

УДК: 811.512.133.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ ТАСНИФИГА ДОИР

***Ш.Искандарова, ФарДУ ўзбек тилишунослиги кафедраси профессори
Г.Жўрабоева, ФарДУ ўзбек тилишунослиги кафедраси тадқиқотчиси***

АННОТАЦИЯ

Мақолада Фарғона вилояти топонимларининг таснифи, уларнинг аталishi сабаблари ва номланиш тамойиллари ҳақида фикр юритилади.

КАЛИТ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР: *ономастика, ономастик лексика, ономастик кўлам, гидротопоним, зоотопоним, фитотопоним, геоморфологик топоним, этнотопоним, антропоним.*

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы классификации топонимов Ферганской области, причины и принципы их наименования.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: *ономастика, ономастическая лексика, ономастическое пространство, гидротопоним, зоотопоним, фитотопоним, геоморфологический топоним, этнотопоним, антропоним.*

THE SUMMARY

In article classification questions of toponymes of the Fergana area, the reason and principles of their name are considered.

KEYWORDS: *onomastics, onomastics lexicon, onomastics space, hydrotponymes, zootponymea, fitotponymes, geomorphological toponymes, etnotponymes, antrotponymes.*

Ўзбек тилишунослигида яқин йилларга қадар атоқли отларни тил системасига киритиш муаммоси мавжудлиги учун уларни лексема сифатида луғатларга киритилмас эди. XX асрнинг ўрталаридан лингвистика фани таркибида ономастика йўналиши алоҳида соҳа сифатида шаклланди ҳамда ономастиканинг назарий муаммолари ва амалий воқеланишларига бағишланган бир қатор асарлар яратилди.

Ўтган асрнинг 50-60-йилларидан бошлаб ономастик тадқиқотларнинг эришган ютуқлари натижасида ономастик лексика умумий лексик

системанинг таркибий қисми экани, ўз навбатида, ўзига хос система эканлиги эътироф этилди.

Мазкур йўналишда ўзбек тилшуносларидан Э.Бегматов, Т.Нафасов, З.Дўсимов, С.Қораев, Н.Хусанов, Н.Улуқов, Т.Эназаров сингари кўплаб олимларнинг қатор тадқиқотлари майдонга келди [1, 2, 3, 4]. Хусусан, Я.Авлақулов ономастик бирликларни бирлаштириш мақсадида *ономастик кўлам* тушунчасидан фойдаланган ҳолда, ўзбек ономастик бирликларининг системавий табиатини ёритишни бош мақсад қилиб олди [5].

Маълумки, топонимик, гидронимик бирликлар ономастик системанинг муҳим таркибий қисми саналади. Машҳур топонимист олим В.Н.Топоров маълум бир тилнинг топонимлар мажмуасини ифодалаш учун *топонимик кўлам* (топонимическое пространство) атамасини ишлатган бўлса [6; 3-4], кейинроқ А.В.Суперанская юқоридаги фикрга эргашган ҳолда *ономастик кўлам* (ономастическое пространство) [7] атамасини қўллайди. Унинг фикрича, бу атама ном ва номланаётган объектларнинг маконда жойлашуви ва бу жойлашувнинг курраи заминдаги ўрни билан мувофиқлашишини ифодалаш учун қўл келади. Ономастик кўлам – маълум халқ томонидан реал, фаразий ва афсонавий объектларни номлаш учун қўлланиладиган атоқли отларнинг мажмуасидир. Ономастик кўлам шу халқ тасаввурида мавжуд бўлган олам модели, олам манзараси билан белгиланади.

Жумладан, географик номлар ҳам ономастик кўлам таркибида муҳим ўрин тутди. А.В.Суперанская: «Географик номларни таснифсиз таҳлил қилиш ва шарҳлаш қийин. Топонимист ўз тадқиқотида маълум бир таснифдан фойдаланибгина илмий хулосалар чиқариш мумкин», - деб ёзган эди. Хусусан, Фарғона вилояти топонимларининг аталиш сабаблари ҳам, албатта, юқоридаги қонуниятлардан чекинмаган ҳолда шаклланган бўлиб, уларнинг номланиш хусусиятлари қуйидаги гуруҳларни ташкил қилади:

I. Гидротопонимлар, сув ҳавзалари ва иншоотлари асосида юзага келган жой номлари.

Фарғона вилояти жой номлари орасида бу типдаги топонимлар анча сермахсул қўлланган. Бундай номларнинг вужудга келишининг асосий сабаби шундаки, инсон ўз ҳаёти учун биринчи галда қандайдир сув манбайи яқинидан макон танлаган ва манзилни ҳам кўпроқ шу сув манбайи номи билан атаган [8; 54]. Натижада баъзан битта ном ҳам гидронимга, ҳам топонимга тегишли бўлиб қолиш ҳоллари кузатилади: *Қорасув* – дарё номи, *Қорасув* – жой номи; *Тошариқ* – ариқ номи, *Тошариқ* – жой номи маъносида.

Гидротопонимларнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, улар таркибида кўп ҳолларда гидронимик индикаторлар фаол қўлланилади. Хусусан, Фарғона вилояти гидротопонимлари таркибида асосан **кўл, канал, қудуқ, жўй, сой, сув, ариқ, булоқ** каби индикаторлар қатнашади: *кўл* – *Аччиқкўл, Ойдинкўл, Қоракўл, Олтинкўл, Болтакўл*; *сув* – *Шўрсув, Ширинсув, Зилолсув, Қорасув*; *сой* – *Сойбўйи, Улкансой, Сойкелди, Сойшилдир, Сойгузар*; *ариқ* – *Янгиариқ, Ариқбўйи, Қораариқ, Тошариқ*; *булоқ* – *Еттибулоқ, Мингбулоқ, Тўққизбулоқ, Совуқбулоқ* каби.

II. Зоотопонимлар, яъни ҳайвон номлари асосида пайдо бўлган жой номлари.

Тарихан бу типдаги топонимларнинг юзага келиши ота-боболаримиз ҳаётида чорванинг аҳамияти катта бўлганлиги билан белгиланади. Хусусан, қадимги ёдгорликларда учрайдиган *Қўйсуви, Қўзибоши, Қўчқор, Така Секретку, Отбоши, Сариготохури, Қалдугач ёри* [9] каби топонимлар таркибида асосан *қўй, қўзи, қўчқор, така, от* каби сўзларнинг қўлланилиши ҳам бевосита фикрларимизни тасдиқлайди. Шу билан бир қаторда зоотопонимлар тарихий асарларда асосан шаҳардан узоқроқдаги майдон, мавзе, дара, яйлов номлари сифатида учрайди.

Фарғона вилояти топонимлари таркибида ҳам ҳайвон ва паррандалар номи билан юритиладиган қишлоқ ва маҳаллалар анчагина: *Бўриқум, Олтиқуш (Данғара тумани), Лайлакуя (Қува тумани), Ғозигиждон (Учкўприк тумани), Каптархона (Фарғона тумани), Қорақушчи (Қўштепа тумани), Қушқўноқ (Ўзбекистон тумани), Қушчи, Шунқор*

(*Фурқат тумани*), *Қўчқорчи (Қувасой тумани)* номлари ҳам ҳайвонларга нисбат бериб қўйилган бўлиши мумкин. Бироқ зоотопонимлар бошқа бир қарашларда ҳайвон номи билан аталган уруғ, қабила номлари билан ҳам боғланади. Масалан: *баҳрин (лочиннинг энг олғир тури)*, *шағол (чиябўри)*, *қулон (ёввойи от)*, *қарсақ (чўл тулкиси)* каби уруғлар маълум. Шунинг учун ҳар бир зоотопоним изоҳи алоҳида таҳлилга муҳтож. Баъзан ҳайвон номи бошқа кўчма маънода қўлланган бўлиши ҳам мумкин. Жумладан, *Айғиртепа* деганда «Катта тепалик» тушунилиши ёки *балиқ* сўзининг «шаҳар» маъносини англатиши сингари [10; 22].

III. Фитотопонимлар, ўсимлик номи билан ҳосил қилинган объектлар.

Фитотопонимлар маълум ҳудуддаги ўсимликлар дунёсининг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттиради. Бу турдаги жой номларининг вужудга келиши қадимги даврларга бориб тақалади. Хусусан, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида қайд этилган *Оқтерак, Олайигоч, Қорайигоч* сингари топонимлар XI аср тил хусусиятларидан дарак берса, «Тарихи Рашидий» асаридаги *Арча, Жигдалик, Олмалиқ, Қоратол, Ўтлуқ* сингари номларда XV-XVI асрлар лисоний хусусиятлари ўз аксини топган. Тил тарихида бундай топонимлар асосан *-лик, -лик, -луқ* каби формалар билан ясалган. Ҳозирги тилшуносликда, жумладан, Фарғона вилояти фитотопонимлари таркибида *–зор, -лик, -ли, -истон* қўшимчаларининг фаол қўлланилиши замонавий топонимия лисоний тизимининг кейинги тараққиёт маҳсулидир. Масалан: *Ўрикзор, Олмазор, Бодомзор, Теракзор, Найистон, Хористон, Қўғоли, Ўрикли, Толли* ва бошқалар.

Шунингдек, аксарият фитотопонимларнинг (*Теракзор, Олмазор, Сертут* каби) ўзига хослиги бу ерда шу турдаги ўсимликнинг мўллиги ҳисобланса, бошқа бир фитотопонимларнинг қўйилиш сабаблари эса уларнинг таркибидаги ўсимлик тури мўлжал вазифасини бажаришидир. Масалан, *Қоратол, Арча, Чинор, Тут, Сада* кабилар. Фарғона вилояти топонимларининг яна бир эътиборли жиҳати, уларнинг таркибида аксарият

маданий ўсимлик номлари қатнашади: *Ўрикзор, Анжирли, Анорзор, Узумзор, Ёнгоқли, Бедазор, Теракзор, Пахтакор* ва бошқалар.

IV. Геоморфологик топонимлар, яъни ер юзаси шакллариининг жойлашишига кўра ҳосил қилинган номлар.

Топонимлар ернинг рельеф шакллари, тузилиши, сатҳи билан боғлиқ белгиларни ўзида акс эттиради. Ер юзаси шакллари ҳар хил: текислик, тоғлик, қир, тепалик, жарлик, сойлик, чуқурликлардан иборат бўлиши мумкин. Мана шу хусусият топонимларнинг номланишига асос бўлиб хизмат қилади [2; 24]. Фарғона вилоятидаги бир қанча жой номлари: *Тепакшилоқ, Қияли, Қизилжар, Чуқурқшилоқ, Дўнгқшилоқ, Даштқшилоқ, Паканаадир* кабилар ушбу турга мансубдир. Бундай номлар таркибида **дашт, мена, ёр (жар), қум, ёз (чўл, дашт), тош, қия, дара** каби индикаторлар фаол қўлланган бўлиб, мазкур аниқлагичлар, албатта, ернинг рельеф шаклларига хос бўлган муҳим белгиларни кўрсатишга хизмат қилган. Хусусан, *Жойтена, Ўратена, Кўктена* топонимлари таркибидаги **тена** индикатори қадимда аждодларимиз кўпроқ мудофаа мақсадларини кўзлаб, ўз яшаш манзилгоҳларини тепалар яқинидан ташкил этганларини билдиради [10; 28].

Ўзбекистон туманидаги *Оқёзи, Сариези* топонимлари таркибидаги **ёзи** индикатори ҳозирда архаиклашган термин бўлиб, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «бўшлик», «очиқлик» маъносида қўлланади. Профессор А.К.Боровковнинг Ўрта Осиё тафсири лексикасига бағишланган асарида ҳамда тилшунос олим Э.Фозиловнинг «Эски ўзбек тили. XIV аср Хоразм ёдномалари» китобида баён қилинишича, ўша даврларда **ёзи** - «дашт, чўл, сахро» маъноларида ишлатилган. Топонимшунос олим Н.Охунов тадқиқотларида ҳам ушбу бирлик «дашт», «чўл» маъноларида қайд этилади ҳамда мазкур лексема ёрдамида ҳосил қилинган *Қораёзибобо, Қизилёзи, Ёзёвон* сингари географик номлар этимологияси таҳлилга тортилади [11; 9].

Шу билан бир қаторда, *Ёрмозор, Ёрдон, Ёрдонобод, Ёрқин (Фарғона тумани)* сингари топонимлар таркибидаги **ёр** сўзи **жар** маъноси билан

географик номлар таркибида қатнашган ва жойнинг рельеф хусусиятларини ўзида акс эттирган.

Геоморфологик топонимларни ҳосил қилишда юқорида қайд этилган бирликлардан ташқари **тош** индикатори ҳам муҳим аҳамият касб этади: *Тошараб, Тошобод, Кўктош, Полвонтош, Тошқўрғон, Тошқишлоқ* каби.

V. Этнотопонимлар - уруғ, қабила номлари асосида юзага келган номлар.

Уруғ, қабила, миллат, халқ номлари (этнонимлар) асосида яратилган жой номлари этнотопонимлар деб юритилади. Этнотопонимлар тилдаги энг қадимий топонимик қатламлардан ҳисобланади. Улар узоқ тарихий даврларнинг ёдгорлиги бўлиб, маълум халқ тарихини, этник таркибини ўрганишда, уларнинг тарқалиш чегарасини кўрсатишда ва аниқлашда муҳим манба сифатида ғоят қимматлидир. Ўзбек этнотопонимларини ўрганишда ва тадқиқ қилишда А.Отажонов, А.Туробов, К.Марқаев сингари олимларнинг хизматлари катта [12, 13, 14].

Тилшуносларнинг эътирофича, Ўрта Осиё жой номларининг асосий қисмини этнотопонимлар ташкил қилиб, маълум бир уруғ ёки унинг тармоқлари яшаган қишлоқ ўша уруғ ёки шохнинг номи билан аталган [8; 76]. Тарихий китобларда 92 ўзбек уруғи бор деб қайд этилган. Бундан ташқари, ҳар бир уруғ ўз навбатида янада майда гуруҳларга бўлиниб кетади. Этнограф К.Шониёзовнинг таъкидлашича, биргина қўнғирот уруғи 200 дан ортиқ кичик шох – тўпларга ажралиб кетади.

Хусусан, Фарғона вилояти жой номлари орасида ҳам 200 га яқин этнотопонимлар мавжуд бўлиб, улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: *Қорабўйин, Товул, Қатогон (Бешариқ тумани), Тўрайғир, Яшик, Қизилмуш (Данғара тумани), Бачқир (Бувайда тумани), Пучуқой, Кенагас (Учкўприк тумани), Оқбўйра, Қипчоқ, Дўрмон (Кўштена тумани), Бешбола (Фарғона шаҳри)* ва бошқалар.

VI. Антропонимлар, киши исмлари асосида шаклланган объект номлари.

Юртимиз истиқлолга эришгач, жуда кўп жой номлари мафкуравий карашлардан халос қилинди. Айниқса, шахс номлари билан аталган жой номлари – антротопонимлар қайтадан ислоҳ этилиб, улар тамоман бошқача мазмунга эга бўлди. Жумладан, Фарғона вилоятининг қишлоқ, кўча, маҳалла номлари юртимизда етишиб чиққан машҳур аллома ва мутафаккирлар, йирик фан ва маданият арбоблари, иккинчи жаҳон урушида мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатган шахс исмлари билан атала бошланди. Шунга кўра ҳозирда неотопоним (нео – янги) сифатида талқин этиладиган Фарғона вилояти антротопонимларини номланишига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Юртимизда етишиб чиққан аллома ва мутафаккирлар номлари билан: *Аҳмад Ал-Фарғоний, Беруний, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Қозизода Румий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Форобий;*

2. Халқ қаҳрамонлари номлари билан: *Соҳибқирон Темур, Жалолiddин Мангуберди, Тўмарис, Қурбонжон Додҳоҳ;*

3. Мумтоз ва ҳозирги ўзбек адабиётининг йирик намояндалари номи билан: *Алишер Навоий, Бобур, Маҳмур, Бобораҳим Машраб, Паҳлавон Маҳмуд, Увайсий, Нодирабегим, Ҳувайдо; Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Муса Жалил, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Гафур Ғулом;*

4. Машҳур фан арбоблари ва санъаткорлар номи билан: *Қори Ниёзий, Авлиёхон Муҳаммедов, Аҳрор Музаффаров, Сирож Саҳобиддинов; Муроджон Аҳмедов, Юсуфжон Қизик Шакаржонов, Таваккал Қодиров, Муҳиддин Қори Ёқубов* каби.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ономастик сатҳда ўрганилувчи ҳар қандай топонимлар ўз номланиш сабаблари ва аталиш қонуниятларига эга. Бунда уларга жой номига хос табиий, географик омиллар ёки қадимги аجدодлар турмуш тарзига хос тарихий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий хусусиятлар асос қилиб олинади. Шу сабабли топонимика биргина лингвистика соҳаси учун эмас, балки тарих, этнография, география,

археология ва геология каби ўнлаб соҳаларнинг ўрганиш объекти сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати.- Тошкент: Ўқитувчи, 1977.
2. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. Тошкент: Фан, 1989.
3. Бегматов. Э. Мустақиллик ва топонимия // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2009.- №5. – Б.9-15.
4. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси. Библиографик кўрсаткич. Наманган, 2008.
5. Авлакулов Я.И. Ўзбек тили ономастик бирликларининг лингвистик тадқиқи: Филол. фанл.номз. ... дисс.автореф. Тошкент, 2012.
6. Топоров В.Н. Из области теоретической топонимистики // Вопросы языкознания. – Москва, 1962.- №6.
7. Суперанская А.В. Что такое топонимика? Москва: Наука, 1984.
8. Qorayev S. Toponimika. – Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2006.
9. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий (форсчадан В.Раҳмонов ва Я.Эгамовалар таржимаси). -Тошкент: Шарқ, 2010.
10. Аҳмадалиев Ю. Фарғона вилояти топонимлари.- Фарғона, 2009.
11. Охунов Н. Ёзи сўзли топонимлар // Зукко замондош. - Қўқон, 2009 йил, 18 сентябр.
12. Отажонова А. Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг луғавий асослари: Филол.фанлари номзоди ...дисс. автореф. – Тошкент, 1997.
13. Туробов А. Самарқанд вилояти этноним ва этноойконимларининг таҳлили: Филол.фанлари номзоди ... дисс. автореф. –Тошкент, 1999.
14. Марқаев К. Ўзбек тили этнонимларининг таҳлили (Жанубий Ўзбекистон вилоятлари мисолида): Филол.фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.